

ЎҚУВ ДАСТУР ПАСПОРТИ

Ўқув дастур узлуксиз тиббий ва фармацевтик таълим мувофиқлаштирувчи кенгашнинг 2023 йил 31 августдаги №ММО-246 сонли баённомаси асосида тасдиқланган.

Амал қилиш муддати 2027 йил гача

Таълим муассасаси номи	Тиббиёт ходимларининг касбий малакасини ривожлантириш маркази
Кафедра/ бўлим	Анестезиология ва реаниматология
Ўқув дастур номи	"Selected issues of emergency medical care"
Ўқиш тури	мавзусида малака ошириш курси ўқув дастури
Ўқув дастур муаллифи/ муаллифлари	Ш.Э. Атаханов., С.С.Кариев., Christopher Neuhaus Svetla Loukanova., С.Э.Хайдарова., Б.Н. Тиловов., А.К. Кучкаров.
Циклнинг умумий соати	18 кредит

Циклда дарс берадиган ўқитувчи ва тренерлар

 Шарипова В.Х. – т.ф.д, профессор, ТХКМРМ анестезиология ва реаниматология кафедраси мудири	 Атаханов Ш.Э. - т.ф.д, professor, ТХКМРМ simulyatsion ta'lim markazi direktori	 Кариев С.С. – т.ф.д., доцент, simulyatsion ta'lim markazi murabbiyi	 Батиров У.Б. – т.ф.н, ТХКМРМ анестезиология ва реаниматология кафедраси доценти
 Хайдарова С.Э. – PhD, ТХКМРМ анестезиология ва реаниматология кафедраси доценти	 Росстальная А.Л. – PhD, ТХКМРМ анестезиология ва реаниматология кафедраси доценти	 Шарапов Ф.Э. - т.ф.н., ТХКМРМ анестезиология ва реаниматология кафедраси ассистенти.	 Махмудов М.А. – ТХКМРМ анестезиология ва реаниматология кафедраси ассистенти.

Мақсад	Шошилинч тиббий ёрдам кўрсатиш самарадорлиги ва сифати оширилиши соғлиқни сақлаш тизимининг устувор вазифаларидан бири ҳисобланади. Доғоспитал босқичда тез ва тўлиқ ҳажмда кўрсатилган шошилинч тиббий ёрдам касаллик кечишининг прогнозига сезиларли таъсир кўрсатади, асоратлар ривожланиш частотаси ҳамда беморлар ўртасидаги ўлим кўрсаткичини камайтиришга хизмат қилади. Шу муносабат билан тиббий ташкилотдан ташқари шароитда шошилинч тиббий ёрдам кўрсатиш учун тиббиёт ходими бўлмаган шахсларни тайёрлашнинг долзарблиги шубҳа уйғотмайди. Вақт танқислиги шароитида шошилинч тиббий ёрдам кўрсатиш ҳам тиббиёт ходимларидан, ҳам тиббиёт ходими бўлмаган шахслардан ўз хизмат ва фуқаролик бурчларини аниқ ва тўғри бажаришни талаб қилади. Шу боис мазкур ўқув жараёни тиббиёт ходимлари ва тиббиёт ходими бўлмаган шахсларга оғир ҳолатларда беморлар ва жабрланувчиларга шошилинч ёрдам кўрсатишда ҳаракатлар кетма-кетлигига эътиборни жамлаш имконини беради ҳамда катталар ва болаларга кўрсатиладиган шошилинч ёрдам сифатини самарали назорат қилишга ёрдам беради. Тартибга солинган блок-схемалардан фойдаланиш маълумотни қабул қилишни осонлаштиради ва тиббий ташкилотдан ташқари шароитда шошилинч ёрдам кўрсатишда амаллар кетма-кетлигини яхшироқ ёдда сақлашга ёрдам беради.
Циклга таклиф қилинган мутахассислар - контингент	шошилинч ёрдам кўрсатишда иштирок этадиган барча клиник ихтисосликдаги шифокорлар; қабул бўлимлари ва интенсив терапия бўлимлари шифокорлари; тиббий бўлмаган бўлинмаларнинг тиббиёт ходимлари; беморлар билан ишлашга жалб этилган диагностика ва ёрдамчи хизматлар ходимлари; клиник ихтисосликдаги ординаторлар ва интернлар; стационарларнинг ўрта тиббиёт ходимлари; шошилинч ёрдам хизматлари ходимлари; ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ва хавфсизлик хизматлари ходимлари; биринчи ёрдам кўрсатишдан манфаатдор бўлган кўнгиллилар ва тиббий маълумотга эга бўлмаган бошқа шахслар.
Цикл вазифалари	1. Тиббий ташкилотдан ташқари шароитда шошилинч ва кечиктириб бўлмайдиган ҳолатларда шошилинч тиббий ёрдамни тиббиёт ходими бўлмаган шахслар томонидан кўрсатиш 2. Тингловчиларда биринчи ёрдам кўрсатиш усулларини ўргатишни ташкил этиш ва ўтказиш бўйича касбий фаолият учун зарур бўлган компетенцияларни эгаллаш (тақомиллаштириш) ҳамда касбий даражани ошириш.
Цикл таркиби	1. «Бирламчи кечиктириб бўлмайдиган ёрдам. Асосий юрак-ўпка реанимацияси алгоритми» 1.1 Шошилинч тиббий ёрдам кўрсатишни талаб қиладиган бемор ҳолатини баҳолаш. Нафас йўллари ўтказувчанлигини тиклаш. 1.2 Оғир аҳволдаги беморларни ташиш. 1.3 Юрак-ўпка реанимациясининг асослари 2. Шошилинч ҳолатлар. Танланган масалалар. 2.1 Қон кетишлар. Турлари. Жароҳатлар. Классификация. Шошилинч тиббий ёрдам.

	2.2 Термик шикастланишларда шошилинч тиббий ёрдам 2.3 Аллергик реакцияларда шошилинч тиббий ёрдам.
Ўқиш базалари 1. Республика шошилинч тиббий ёрдам илмий маркази 	2. Tibbiyot xodimlarining kasbiy malakasini rivojlantirish markazi. 
Симуляцион асбоб/ускуналар:	

